

МУГАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҮ



ISSN 2181-7138

№ 3/1 2021 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:
A. Тилегенов

Редколлегия ағзалары:
Максет АЙЫМБЕТОВ
Нагмет АЙЫМБЕТОВ
Кенесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Дилшодхұжа АЙТБАЕВ
Өсөрбай ЭЛЕУОВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Кенесбай Даулетяров
Гүлнара ЖУМАШЕВА
Батырбек КАЙПБЕРГЕНОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Сарсен КАЗАХБАЕВ
Гулмира КАРЛЫБАЕВА
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Зухра СЕИТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Ризамат ШОДИЕВ
Ойбахор ШАМИЕВА
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

Шөлкемлестириүшилер:
Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендіриү
Министрлігі, ӨЗПИИ
Қарақалпақстан филиалы

Өзбекстан Республикасы
Министрлер Кабинети
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қаравы менен
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм
хабар агентлиги тәрепинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алынды №01-044-санлы гүйалық
берилген.
Мәнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uznipnkf@mail.uz,
mugallim-pednauk@mail.uz
www.mugallim-uziksiz-bilim.uz

Журналга келген мақалаларға жеүап қайтарылмайды, журналда жетрояланған мақалалардан
алынған үзиндилер «Мугаллим ҳәм үзлиksiz bilimlenediриү» журналынан алыны, деп корсетилиғи
шарт. Журнала 5-бет колеміндеғи материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шириф-
тіндеге электрон версиясы менен бирге қабыл етіледи. Мақалада көлтирилген мәглүмәттердеге автор
жекуапкер.

МАЗМУНЫ

ТИЛ ҲЭМ ӘДЕБИЯТ

Шукуров Р. Сўзларни дифференциациялашда диалектал вариантлардан фойдаланиш	4
Аҳмадова Ҳ.Т. Т. Кудратовнинг “нутқ маданияти аослари” кўйлланмасида нутқ маданияти муаммоларининг акс эттирилиши	7
Aliyeva N.,Umarova Z. Ona tili imkoniyatlari asosida o'quvchilar nutqini tarbiyalash haqida	10
Хасанов А.А. Оламнинг лисоний манзарасида «овқат» фрейминг нуткий воқеланиши	13
Ҳабибжонов И.Т. Ўзбек солик-божхона терминологиясининг мавзуй ва лексик-семантик гурухлари	17
Aliyeva D.M. Didactic conditions of implementation of interactive technologies in teaching foreign languages	22

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Шарипова О.А. Ўзбек маърифатчилари гояларининг маънавий-ахлоқий аҳамияти	27
Ibragimova Sh. Pedagogik faoliyatni texnologiyalashtirish – ijtimoiy zaruriyat	29
Jumanqo'ziyev O'. Maktab o'quvchilarining axborot madaniyatini shakllantirishning asosiy qonunlari va yetakchi tamoyillari	33
Sultonov Sh. Tarbiy tizimini ijtimoiy lashtirish va o'quvchilarni ijtimoiy hayotga tayyorlash yo'llari	39
Yo'lidoshev O'.J. Pedagogik tizimni boshqarishning asosiy prinsiplari	42
Исмоилова Г.А. Аудиториядан ташқари вақтларда тарихий қадамжоларга саёҳат уюштириш технологияси	46
Yormatova SH., Saydaliyeva D., Xayitova D. Interfaol ta'lim – sifat kafolati	52
Шодиева Г.Э. Халқ кўшиклари воситасида талаба-ёшларни маънавий-ахлоқий шакллантириш масалалари	56
Fayziyeva Sh. Yoshlarda milliy g'urur hissini shakllantirish omillari	59
Aminov B., Mirhaitova S., Abdullayeva D. Ta'lim jarayonida interfaol metodlardan foydalananish asosisi ta'lim samaradorligini oshirishning ilmiy-nazariy asoslar ...	62
Israilova G., Abdurahimov SH. Ta'lim jarayonlarining asosiy vazifalari	65
Абдулпаттаев X. Tarbiya fanini o'qitishda yangicha yondashuvlar va innovatsiyalar	66
Shukurova O'.U. Ta'limda innovatsiyasi va innovatsiyaviy faoliyat	69
Фаниева В.Ю. Ўзбек халқ педагогикаси манбаларida оиласда болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалаларининг кўйилиши	71
Yulchiboyeva D. Oliy ta'lim muassasalarida talabalarga mustaqil ta'lim berish orqali hijodiy fikrlashga o'rqtish – dolzarb muammo sifatida	74

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲЭМ РУЎХЫЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

Қодирова М. Жадидчилик ҳаракати ва унинг ижтимоий-маънавий моҳияти	78
Абдурасулов А.А. Ўзбекистон OTMларida авторитар ва маъмурий-бюрократик бошқарув муаммолари ва бошқарув тизимини замонавийлаштириш зарурати	83
Олимов Х.Ю. Нормандлар истилоси давридан олдинги инглиз тили ҳақида турличи назарий қарашлар	86
Рашидов А.К. Концепция «Добра и зла» в ракурсе философии Л.Н. Толстого	89

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Мамажонова М.Н. Миқдор, миқдорийлик ва квантитативлик	93
Расулова Г.А. Масофавий таълимда мультимедиали электрон дарслкларни кўллаш	96
Mirzoyev J. T. Internet muloqotning yoshlar tarbiyasiga ta'siri	99

БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТҶРБИЯ

Aliyeva H. Bolalarni yuksak axloqiy va estetik ruhda tarbiyalashda ona tilining ahamiyati	103
Ачилова С.Х. Мактабгача таълим ёшидаги болаларда ҳаракат қобилиятларининг ривожланиши	106
Xodjayeva N. Maktabgacha katta yoshdagi bolalar nutqini rivojlantirishda interfaol usullarning o'rni	110

ФИЗИКАЛЫҚ ТҶРБИЯ ҲЭМ СПОРТ

Mo'ydinov I.A. Yosh sportchilar organizmi xususiyatlarini inobatga olib jismoniy yuklama berish imkoniyatlari	114
Рўзметов Р.Т. Таалаба қизлар хоши-истаклари асосида жисмоний тарбия ва спорт машгулотларини ташкил қилиш технологияси	118
To'xtaxo'jayev X.B., E'shpo'latova D.M. Maxsus jismoniy mashqlar orqali yosh gimnastikachilarning koordinatsion qobiliyatini rivojlantirish	122
Мирзаев А.М. Белбогли кураш фанининг ўқитишнинг айрим жиҳатлари тақомиллаштириши	124
Тулаганов Ш.Ф., Каримов У.Р. Гандболчиларнинг жисмоний ва техник тайёргарлигини ўзаро боғликлигини таҳлил килиш	129
O'ktamov D.T. Yoshlarni sportga tayyorlashning o'ziga xos xususiyatlari	135
O'ktamov D.T. Iqtidorli yengil atletikachilarni tezkor-kuch chidamliligini oshirish	138
Ochilova Sh.A. Kurash mashg'ulotlari jarayonida iqtidorli kurashchilarini saralash va jismoniy barkamolligini tarbiyalash	141
Bekov B.V., To'xtaxo'jayev X.B. Futbolchilarning ovqatlanish ratsionini to'g'ri tashkil etishning ahamiyati	143
Jo'rarev B.R., Nazarov J.Sh. Yuqori malakali sportchilarni tayyorlashning nazariyi va uslubiy asoslari	145
Isaqov R.Sh. Basketbol sport mashg'ulotlarining sog'lomlashdirishdagi o'rni	148
Тұхтахұжаев Х.Б., Позилова Ф.Р. Педагогическая методика совершенствования игры у сетки в теннисе	150
Ochilova Sh.A. Техники борьбы дзюдо как анализ классификации и их значения	155
Таджибаев С.С. Влияние изобразительной деятельности на воспитание и развитие ребенка – дошкольника	157

tayyorgarlikni takomillashtiruvchi vosita sifatida maqsadli foydalanishga yo‘naltirilgan va uslubiy yondashuv (frontal, guruhli va individual) ishlab chiqilgan.

Tadqiqot natijalarining ilmiy ahamiyati shundaki, tadqiqot jarayonida olingan ma’lumotlar koordinatsion qobiliyatlarni rivojlantirishda yosh gimnastikachilarining jismoniy tarbiya mashg‘ulot jarayonini tashkil qilish va o‘tkazish, muvozanat saqlash qobiliyati rivojlanishdan ortda qolayotgan bolalarning harakat faolligini oshirish muammolariga taalluqli gimnastika maktablarida gimnastika sport turining mazmunini boyitadi hamda kengaytiradi.

Tadqiqot natijalarining amaliy ahamiyati shundan iboratki, ular muvozanat saqlash qibiliyati rivojlanirishda yosh gimnastikachilar bilan olib boriladigan mashg‘ulotlarni takomillashtirish, maxsus jismoniy mashqlar bilan uzoq vaqt shug‘ullanishni tashkil qilish, o‘quv qo‘llanmalar ishlab chiqish va gimnastika maktablaridagi gimnastika murabbiylarining kasbiy faoliyati davomida kasbiy kompetentligini rivojlanirish uchun xizmat qiladi.

Адабиётлар:

1. Алматов К.Т. Спорт тиббиёти. – Т., 2004.
2. Винер-Усманова И.А. Интегральная подготовка в художественной гимнастике. Автореф. дисс. ... д-ра пед. наук. – Санкт-Петербург, 2013. – 47 с.
3. Карпенко Л.А. Художественная гимнастика: Учебник /Л.А.Карпенко, И.А.Винер, Р.Н.Терехина Подред. проф. Л. А. Карпенко. – М., 2003. – 382 с.
4. Правила по художественной гимнастике (2017- 2020 г.).
5. Теория и методика физической подготовки в художественной и эстетической гимнастике: учеб.пособие для студентов вузов по направлению подгот. 034300.68 - Физ. культура/под общ. ред.: Л. А. Карпенко, О. Г. Румба. – М.: Сов. спорт, 2014. – 264 с.
6. Художественная гимнастика: история, состояние и перспективы развития: учеб. пособие для образовательной программы по направлению 49.04.01 - «физ. культура»/авт. И.А.Винер-Усманова [и др.];Национальный гос. ун-т физ. культуры, спорта и здоровья им. П.Ф.Лесгафта. – М.: Человек, 2014. – 200 с.
7. Шарипова Д.Д., Адилова Н.М. Кавилова З.Ш. Валиология. – Т., 2016.
8. Эштаев А.Г., Умаров М.Н., Тўйчиев З.Ў. Гимнастика назарясидауслубияти. – Т., 2017. 3-78-бетлар.

РЕЗЮМЕ

Maqolada bolalarning jismoniy tarbiyasida yangi pedagogik uslubiyatlarni, texnologiyalarni va yondashuvlarni ishlab chiqish ustivor yo‘nalish, sportchilar mahoratining osishi, tayyorgarlikning yangi samarali uslub va vositalarini ishlab chiqishga qaratilgan.

РЕЗЮМЕ

В данной статье представлено приоритетные задачи, как новых педагогические методы, технологии и подходов в физическом воспитание детей. Посвящается разработкам новых эффективных методов и средств для специальной физической подготовки юных гимнастов.

SUMMARY

This article presents the priority tasks as new pedagogical methods, technologies and approaches in the physical education of children. Dedicated to the development of new effective methods and means for special physical training of young gymnasts.

БЕЛБОГЛИ КУРАШ ФАНИНИНГ ЎҚИТИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мирзаев А.М.

ЎзМУ Спорт менежменти кафедраси доценти

Таянч сўзлар: кураш, жисмоний тарбия ва спорт, фойдали томонлари, мақсад, фан, машгулот, шакллантириш, таълим, фаолият, тарбиялаш, кўнкимма, тренер, спортчи, ўқитиш, мақсад.

Ключевые слова: борьба, физическая культура и спорт, преимущества, цель, наука, тренировка, формирование, образование, деятельность, воспитание, мастерство, тренер, спортсмен, тренировка, цель.

Keywords: wrestling, physical education and sports, benefits, purpose, science, training, formation, education, activity, upbringing, skill, rener, athlete, training, goal.

Спорт курашида ўқитиши - бу спорт кураши назарияси ва уни ўқитиши усулияти түгрисидаги билимлар курашчининг асосий ўзига хос мусобақа, ҳакамлик, педагогик, ташкилий фаолияти ҳисобланган кўнникма ва малакалар тизимини шакллантиришига қаратилган мақсадли ташкил қилинган педагогик жараёндир.

Ўқитиши мақсади шугулланувчиларда тренернинг касб фаолияти концепциясини акс эттирувчи билимлар тизимини шакллантиришдан иборат. Ушбу концепция билимлар ва малакалар, илмий фикрлаш услублари, шугулланувчиларда онгли ҳамда амалий фаолиятга ижодий муносабатни тарбиялашни ўз ичига олади.

Спорт кураши назарияси ва ўқитиши усулияти ўкув фанининг ўзига хос шароитлари ҳамда хусусиятларини акс эттирувчи умумий вазифалар куйидагилардан иборат:

- спорт тури назарияси ва ўқитиши усулияти бўйича билимларнинг оптималь ҳажми, ҳар томонламалиги ва етарлича чукур бўлишини таъминлаш;
- ижодий англаш имкониятларини такомиллаштириш;
- курашчининг умумий тайёргарлик машқларини бажариш малакаларини шакллантириш ва такомиллаштириш;
- кураш техникаси усуллари химояланишлар ва карши усулларни бажаришни шакллантириш ҳамда такомиллаштириш;
- мусобақа беллашувларидаги техник-тактик ҳаракатларнинг оптималь ҳажми ва турли хиллигини шакллантириш;
- ўкув, ўкув-тренировка, назорат, мусобақа ва кўргазмали беллашувларни олиб бориш кўнкимларни ҳамда малакаларини шакллантириш;
- кураш усулларини бажариш техникасини таҳлил қилиш билимлари малака ва кўнкимларини шакллантириш ҳамда такомиллаштириш;
- кураш техникасини кўрсатиб бериш ва тушунтириш малакасини эгаллаш;
- мураккаб техник-тактик ҳаракатларни бажаришга ўргатиш ва такомиллаштириш билимлари, малакалари ҳамда кўнкимларини шакллантириш ва такомиллаштириш;
- кураш бўйича дарсларни таҳлил қилиш ва ўтказиши малакаларини шакллантириш ҳамда такомиллаштириш;
- кураш мусобакаларига ҳакамлик қилиш ва оммавий спорт тадбирларини ташкил этиши ҳамда ўтказиши билимлари, малакалари ва кўнкимларини шакллантириш ҳамда такомиллаштириш.

Замонавий педагогикада ўқитиши тамойиллари ўқитувчи фаолияти ва ўкувчининг билиш фаолияти хусусиятини белгилаб берадиган асосий талаблар ҳамда йўналтирувчи қоидалар сифатида тушунилади. Амалий педагогик фаолиятда ўқитиши тамойиллари асосланади, улар ўқитиши амалиётини режалаштириш, ташкил этиши ва таҳлил қилиш учун йўрик бўлиб хизмат киласди.

Спорт курашида ўкув-тренировка жараёни жисмоний тарбиянинг асосий тамойиллари: тарбиявий хусусияти, ҳар томонлама ривожлантириш; соғломлаштириш ва амалий аҳамиятига мувофиқ ҳолда олиб борилади.

Ўқитишининг тарбиявий хусусияти ўкув-тренировка жараёнинг конунияти

ҳисобланади. Бу ерда курашчиларнинг спорт малакаси ўсиши билан бир вақтнинг ўзида шахсга тегишли ахлоқий мөъёрлар шакллантирилади. Спорт захирасини тай-ёрлаш ва асосан тарбиялаш бир қатор мураккаб тарбиявий муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ. Спортда юкори натижаларга эришища курашчиларда техник-тактика ҳаракатларни ўз-ўзи назорат қилиш, таҳлил этиш ва баҳолаш малакаларини тарбиялаш катта аҳамиятга эга. Бунинг ҳаммаси тренернинг тарбиявий таъсири натижасидир, унинг раҳбарлыги остида шугулланувчилар хаёттій вазиятларни ҳал этишга тай-ёр туриши тажрибасини оладилар.

Тренер касб маҳоратидан ташқари, юқори даражада маънавиятли ва маданиятли бўлиши, ўз масъулиятига вижданон ёндашибиши, ҳақиқатгўй бўлиши ҳамда болаларни севиши ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилиши лозим. Тренер шахсиятида ушбу сифатларнинг намоён бўлиши таълим-тарбия жараёни самарадорлигини белгилаб беради.

Ҳар томонлама ривожлантириш тамойили тренерни ҳар томонлама ривожланган спорчига шахсиятини шакллантиришига йўналтиради. Спорт фаолияти маънавий, ақлий, меҳнат, эстетик ва бошқа турдаги тарбия билан чамбарчас боғлиқ.

Тренировканинг турли босқичларида олдинга куйилган мақсадларга эришиш, қийинчиликларни енгигб ўтишга интилиш маънавий тажриба, ирода сифатлари, мустакил фикрлаш, меҳнат қилиш, спорт ғалабалари ва мағлубиятларига матонатли бўлишни шакллантиради.

Спорт кураши бўйича ўқув-тренировка машгулотларининг соғломлаштирувчи йўналиши спорт маҳоратининг бир томонга ўсиши ва соғлиқ, жисмоний ривожланганлик, шугулланувчиларнинг таянч-харакат аппарати, юрак-кон томири, нафас олиш ҳамда асаб тизимини мустаҳкамлаш орқали ифодаланади. Ушбу тамойилга амал қилмаслик, айниқса болангич спорт тайёргарлиги босқичларида, ўсмир курашчиларда мунтазам, баъзи ҳолларда эса сурункали касалланишга олиб келади ва оммавий разрядли спорчиларнинг кураш билан шуғулланмай қўйишларининг асосий сабаби ҳисобланади.

Амалий йўналиши. Спорт кураши катта амалий аҳамиятга эга. Ушбу тамойилнинг амалий намоён қилиниши шунни назарда тутадики, курашчи кутилмаган вазиятларда ҳаракат кила олиши лозим. Катта ёшдаги спорчилар ўзларини ҳамда яқинларини химоя кила олишлари зарур.

Кураш бўйича ўқув-тренировка машгулотларининг муваффакиятли олиб борилиши ушбу жараённинг асосий педагогик (дидактик) тамойилларига мувофиқлиги билан аниқланади.

Ўқув-тренировка машгулотлари самарадорлиги куйидаги дидактик тамойилларга асосланади:

1. Ўқитишининг илмийлик тамойили.
2. Ўқитишининг енгиллик тамойили.
3. Ўқитишининг мунтазамлилик тамойили.
4. Ўқитишининг онглилик ва фаоллик тамойили.
5. Ўқитишининг кўргазмалилик тамойили.
6. Ўқув материалини пухта ўзлаштириш тамойили.
7. Жамоали ўқитиш ва ўқувчига индивидуал ёндашибиши бирлиги тамойили.
8. Ўқитишининг амалиёт билан боғлиқлиги тамойили.
9. Ўқитиш жараённида ўқитувчининг етакчилик аҳамияти.

Ўқитишининг илмийлик тамойили ўқувчидан ўқув материалини ўзлаштириш

ва илмий-асосланган услугият, ўқитиши жараёнини ташкил этиш қонуниятларини билишни талаб этади. Илмийлик тамойилыга мувофиқ ўкув-тренировка жараёны усуларында уни ташкил этиш илмий асосланган бўлиши лозим, яъни шуғулланувчилар ёш хусусиятларига мос ҳамда кўпийиллик тайёргарликтин ҳамма боскичларидаги вазифаларни ҳал этиш учун фойдали бўлиши зарур.

Илмийлик тамойилини амалга ошириш бирқатор шартларнинг бажарилишини тақаюз этади:

- ўрганилаётган ҳаракатлар ўкувчилар томонидан тўлиқ, бузилмаган ҳолда қабул килиниши лозим;
- ўрганувчи ўрганилаётган ҳаракатларнинг муҳим белгилари ва хоссалари ўрганилаётган ҳаракатларнинг бошқа ҳаракатлар билан боғлиқлиги ва уларни мусобақа фаолиятида кўллаш хусусиятларини тушуниши ҳамда ўзлаштириши лозим;
- ҳаракатларни ўрганаётшиб, уларни бир умрга ўзгармас нарса сифатида эмас, балки ривожланиб ва такомиллашиб борадиган нарса сифатида қабул килиш зарур;
- ўқитиши жараёнинда ўкувчиларни нафакат ҳаракат вазифаларини ҳал этиш қонуниятлари, илмий изланиши натижалари билан, балки илмий тадқиқотнинг енгил услублари билан таништириб бориш лозим;
- илмийлик тамойили ўкувчиларни факат фанда тасдиқланган ишончли фактлар ва билимлар билан таништириши зарур;
- ўқитиши жараёнинда фанда қабул килинган атамалардан фойдаланиш мумкин.

Эскирган ва тор гурухларга мансуб атамалардан фойдаланиш мумкин эмас.

Ўкув дастури материалини ўзлаштириш сифати бирқатор омилларга боғлиқ. Лекин бошқа тенг шароитларда материал ўкувчига енгил бўлган. Ҳаракатларга ўргатиш соҳасида енгиллик тамойили бирқатор талаблар бажарилган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин:

- ўкувчининг жисмоний тайёргарлиги ҳал этилаётган ҳаракат вазифасининг ўзига хос хусусиятига муносиб бўлиши лозим;
- ўкувчиларнинг ҳаракат тайёргарлиги ўрганилаётган ҳаракат хусусиятлари, ҳал этилаётган ҳаракат вазифасининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ бўлиши керак;
- ўкувчи ўрганилаётган ҳаракатни мантиқан тушуниб этиши ва бу ҳаракатни бажаришнинг ҳал этувчи шартларига ўкувчи эътиборини қаратиш лозим;
- ўкувчининг руҳий тайёргарлиги ўрганилаётган ҳаракат хусусиятларига мос бўлиши керак;
- ташкил этиши воситалари, услублари ва шакллари ўкувчиларнинг ақлий ривожланганлик ҳамда техник тайёргарлик даражасига мувофиқ бўлиши зарур;
- ўкув материалини юқори, лекин мазкур ўкувчилар таркибига енгил бўлган даражада ўзлаштирилишини режалаштириш лозим.

Ўқитишининг мунтазамлиги ҳамда изчиллиги, шунингдек маълум бир вакт орасида нагрузка ҳамда дам олишнинг алмашинуви мунтазамлилик тамойили асосини ташкил этади. Мунтазамлилик тамойилининг амалга оширилишига ўкув жараёнини режалаштириш ҳамда дастурлаш, ўкув дастурларини тузишни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бунда нафакат ўрганилаётган материалнинг бориши, балки дастур қисмлари ўртасидаги тузилмавий боғлиқликлар очиб берилади. Ўқитиши изчиллигини режа-

лаштириш қүйидаги усулий қоидаларга таянади - маълумдан номаълумга, енгилдан қийинга, оддийдан мураккабга, билимлардан күнікмаларга, асосдан кисмларга, хусусидан умумийга, умумийдан хусусийга.

Мунтазамлилік тамойилини муваффакиятли амалга оишриш учун қүйидагилар жуда мухимдір:

- шугулланувчиларга билимлар, күнікмалар ва малакалар тұғрисида комплекс тасаввурлар бериш;
- ҳамма ўқув материалини кисмларга енгил ажратыладиган ҳолда бир тизимга бирлаштириш;
- ушбу тизимнинг ўрганилишини шугулланувчилар хусусиятлари, уларнинг үқиши, иш шароитларига мувофиқ ҳолда, ўқув материалы шартларига мувофиқ шиддатли фаолият даврларини уни мустаҳкамлаш (такрорлаш), мусобақаларда қатнашиш даврлари билан алмаштириб, режалаштириш лозим;
- педагогларнинг ҳаракатлари ва талабларыда ўрганилаётган материални қатый изчиллик ҳамда аста-секин мураккаблаштириб бориши билан ўргатишига амал килиниши лозим.

Онглилік ва фаоллік тамойили педагогик раҳбарлық ва шугулланувчиларнинг онгли, фаол ҳамда ижодий фаолиятты ўргасындағы ўзаро боғлиқлікні назарда тутади.

Онглилік үқитиши мәксади ва вазифалари, ўрганилаётган материални чукур тушуниши, уни онгли равища амалиётта құллай олиш малакасыда намоён бўлади. Шугулланувчилар фаоллиги мустакиллік, ташаббускорликни тарбиялашга қаратылған бўлиши лозим. Бундай сифатларни тарбиялаш шаклларидан бири - бу оддий педагогик күнікмаларга ҳамда ўз-ўзини назорат қилишга (тренировка қундалигини тутиш, мусобақа фаолиятини таҳлил қилиш ва ҳ.к.) ўргатишидир.

Онглилік ва фаоллік тамойилини амалга ошириш учун қүйидаги талабларни бажариш лозим:

- ўқув фаолияти талабларини тушуниб етиш ва шунинг асосида унинг сабаб ҳамда мақсадларини шакллантириш;
- шугулланувчи ўқув фаолиятининг ҳамма амаллари ҳамда ҳаракатларини онгли равища бажариши лозим;
- үқиши сабабларини фаол шакллантириш ва бошқариб бориши;
- ҳар бир ўқувчига ўқув топширикларининг енгиллигини таъминлаш;
- ўқув вазифасини ҳал этишига алоқадор бўлмаган талабларнинг долзарблигини камайтириш;
- үқитиши жараёнини шундай тузиши лозимки, олдин ўтилган материал яхши ўзлаштирилмаса, ундан кейинги материални ўзлаштириш қийинчиллик туғдириши зарур.

Адабиётлар:

1. Бogen M.M. Обучение двигательным действиям. М., 1985.
2. Керимов Ф.А. Кураш тушаман. Тошкент, 1990.
3. Оконь В. Введение в общую дидактику. М., 1990.
4. Спортивная борьба. Учебник для ИФК под ред. Н.М.Галковского и А.З.Катулина. М., 1968.
5. Спортивная борьба. Учебник для ИФК под ред. А.П.Купцова. М., 1978.
6. Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва усулияти. Т.,2001.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мәқолада кураш спорт түрнинң инсон ҳәтидаги ўрни ва фойдалы томонлары ҳақида маълумот беріп ўтилған, шу билан бирға кураш спорт түрніга тавсия ва йұналтиришнинг асосий сабабалары көлтириб ўтилған.